



# Ishonch

**МОҲИЯТ**  
Жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон касба-чашмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

## Ўзбекистон халқига янги йил табриги

Муҳтарам ватандошлар!  
Қадрли отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, азиз ўғил-қизларим, болаларим!

Янги йил кириб келишига санокли дақиқалар қолган мана шу файзли ва шуккули дамларда сизларни кизгин муборакбод этишдан, барчамизга самимий меҳр ва ҳурматимни билдириб, эзгу тилакларимни изҳор қилишдан бахтиёрман.

Айни мана шундай унутилмас, гўзал оқшомда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз, азиз юртдошларимга янги йилда оилаларингизга шоду хуррамлик, сихат-саломатлик, бахту саодат, янги омадлар ёр бўлишини, кексаю ёш, ҳар қайси инсон қалбининг тўрида бўлган энг ёруғ орзу-ниятлар ушалишини чин юракдан тилайман.

Ҳурматли дўстлар!  
Яқунга етиб бораётган 2009 йилни кузатар эканмиз, йил мобайнида эл-юртимиз бошидан кечирган қанча-қанча синов, қийинчилик ва муаммоларни енгиб ўтганимизни беихтиёр эслашимиз, бир сўз билан айтганда, бу йил мамлакатимиз учун осон келмаганини таъкидлашимиз табиийдир.

Бу ҳақда гапирганда, авваламбор, бутун жаҳон миқёсида ҳали-бери давом этаётган, ўзи билан ўта оғир салбий оқибатларни олиб келаётган молиявий-иқтисодий инқирознинг Ўзбекистонга таъсирини юмшатиш, бу ҳавфнинг олдини олиш биз учун йил давомида гоёт мураккаб вазифа бўлиб тургани ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳождати йўқ.

Бугун барча мамлакатлар ва халқларнинг бошига тушган ана шу савдо, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, минглаб корхоналар касодга учраши натижасида ишсизликнинг кўпайиши, одамларнинг даромади ва турмуш даражасининг тобора пасайиб боришидан — бундай оғир қисматдан Ўзбекистонимизни, халқимизни сақлаб қолиш ва бу синовдан ёруғ юз билан чиқиш 2009 йилда биз учун энг асосий ва долзарб вазифага айланди.

Бизнинг бу борадаги ҳаракатларимиз юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширган ислохотлар ва мамлакатимизни янгилаш сибсатининг, биз танлаган ўзимизга хос, ўзимизга мос миллий тараққиёт йўлининг, инқирозга қарши ўз вақтида қўрилган чора-тадбирларимизнинг нақадар тўғри эканини яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Бу йил об-ҳавонинг гоёт ноқулайлиги келиб, баҳордаги узлуқсиз ёғинга қарши туфайли экиш мавсумининг бир ойга кечикиб кетгани ва бошқа қўп қийинчиликлар ҳосил тақдирини хавф остига қўйиб, қишлоқ хўжалиги учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирганидан ҳам ҳаммамиз хабардоримиз.

Фақат қўлни қўрган, ҳаёт синовларида тобланган деҳқон ва фермерлар, мутахассисларимизнинг меҳнат жасорати, соҳага берилётган доимий катта эътибор ҳисобидан барча қийинчиликларни енгиб, галла, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича белгиланган марраларга эришганимиз бу йилги энг катта галабаларимиз қаторига кирди, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Ўтиб бораётган йилга юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб ном берганимиз ва шу муносабат билан махсус давлат дастурини амалга оширганмиш қишлоқ ҳаётини обод этиш, қишлоқ аҳлининг турмуш маданиятини юксалтириш, уларнинг яшаш шароитини шаҳар даражасига яқинлаштириш каби гоёт муҳим мақсадларга эришиш йўлида қўйилган салмоқли қадамлар бўлди.

Шу борада бошлаган эзгу ишларимизнинг моҳияти ва қўламини, давлатимизнинг бу масалага қандай улкан аҳамият бераётганини ушбу дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан шу йилнинг ўзига 2 триллион 600 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфлангани ҳам кўрсатиб турибди.

Ўйлайманки, барчамиз яхши тушунамиз, қишлоқ тараққиёти ва ободончилигига қаратилган бундай улкан ҳаракатларимиз мамлакатимиз миқёсида, унинг турли соҳа ва тармоқларида — бу санот ва қурилиш, транспорт ва коммуникация бўладими, таълим-тарбия, тиббиёт ва маданият соҳалари бўладими — бутун иқтисодиётимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича амалга ошираётган дастурларимизнинг узвий бир қисмидир.

Бугун ўз салбий таъсирини ўтказиб қолган инқирозга қарамаستан, 2009 йилнинг ўзига ялпи ички маҳсулотимиз 8,1 фоизга, иқтисодиётимизга жалб этилган инвестициялар ҳажми 33,0 фоизга ўсгани, аҳолининг реал даромадлари эса 26,5 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар ўртача 40,0 фоизга ошгани бунинг яққол далили ва исботи десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг ҳам катта мамнуният билан қайд этмоқчи

чиманки, кириб келаётган 2010 йилда ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорини камида 30 фоизга кўпайтириш кўзда тутилаётгани, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг янги йил олди кайфиятига албатта янги қувонч бағишлайди.

Юртимизни тобора обод этиб, унинг қиёфасини бутунлай ўзгартираётган, Ватанимизнинг илдам ривожланиб боришини таъминлаётган, ўзгаларнинг ҳавасини тортаётган бундай ютуқларнинг боиси, авваламбор, мамлакатимизда тинчлик, сийёсий ва иқтисодий барқарорлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувлик, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат ҳўкм сураётганидир.

Энг муҳими, халқимизнинг меҳнатсеварлиги ва фидойилиги, унинг ҳаётга, ўз меҳнатига муносабати тобора ўзгариб, онгу тафаккури ўсиб бораётгани биз қўлга киритаётган марраларнинг ҳал қилувчи омилли ва сабаби, десам, ўйлайманки, барчамизнинг фикримизни ифода этган бўламиз.

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар бу ҳақиқатни яққол тасдиқлаб, мамлакатимиз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган демократик жамият қуриш йўлидан изчил ривожланиб бораётганини, халқимизнинг ўз танлаган йўлига, эртанги кунига, ўз келажагига бўлган мустаҳкам ишончини яна бир бор амалда намойён этди.

Муҳтарам ватандошлар!  
Кириб келаётган янги — 2010 йилга мамлакатимизда «Баркамол авлод йили» деб ном берганимиз бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларимизнинг узвий ва манتيқий давоми бўлди.

Бизнинг ўз олдимизга қўйган энг улғу мақсадимиз бўлиши келажаги буюк давлат ва эркин жамият қуриш жараёни, лўнда қилиб айтганда, тараққий тошган ва фаровон яшаётган давлатлар қаторига чиқиш вазифаси, табиийки, йиллар, балки ўн йилларни талаб қилади. Ва бу мақсад йўлида барчамизни белимизни каттик боғлаб, қатъият ва фидойиллик билан, астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Айни пайтда барчамиз яхши англаймизки, бундай эзгу орзу-ниятларимизни амалга ошириш кўп жиҳатдан бугун унинг-ўсиб келаётган, бизнинг давомчимиз, суянчимиз ва таянчимиз бўлган ёш авлоднинг зиммаси ва масъулиятига тушади.

Шу боис барчамиз ўзимизнинг муқаддас ота-оналик бурчимизни жондан азиз фарзандларимизни нафақат ҳам жисмонан, ҳам маънан соғлом қилиб ўстириш, шу билан бирга, уларни ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб, энг замонавий, биз яшаётган XXI аср талаб қилаётган интеллектуал билим ва бойликка эга бўлган инсонлар бўлиб ҳаётга кириб боришини таъминлашда кўришимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

Бугун биз тузаётган ва қабул қилаётган узук мўддатли дастурларимиз айнаман мана шундай ўта муҳим ва устувор мақсад ва мўддоларимизга жавоб берган ҳолдагина биз мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар қаторига кўтариш, дунёда яққо ягона бўлган Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини муносиб даражага юксалтиришга эришамиз.

Айни шу мақсадга қаратилган, узок ва давомли келажагимизни кўзлаётган, бугун амалга ошираётган улкан дастурларимизда мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқариш тармоқларимизни замонавий техника ва технология билан қуроллантириш масалалари билан бирга, энг замонавий ва кучли социал инфратузилмани барпо этиш борасида олдин бошлаган ишларимизнинг изчил давом эттириш, аҳолиимизни иқтисодий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш сиёсати доимо эътибор марказида туриши даркор.

2010 йилнинг давлат бюджети ҳаражатларининг 59 фоиздан ортигини айнан социал харажатлар ташкил этиши, фақатгина солиқни сақлаш ва таълим-тарбия соҳасига давлат харажатларининг 50 фоиздан зиёди йўналтирилганининг ўзи бунинг яққол тасдиғидир. Биргина тиббиёт соҳаси ривож учун 1 триллион 700 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлиб, бу 2009 йилга нисбатан 30 фоизга кўп демекдир.

Айтиш мумкинки, социал соҳа ривожига бундай эътибор дунёда қамдан-қам давлатлар тажрибасида учрайди.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!  
Барчамизни бағримга босиб, кириб келаётган Янги йил байрами билан яна бир бор чин қўлбимдан табриқлайман.

Янги — 2010 йилнинг қадами кутлуг ва хосиятли келсин!  
Хонадонларимиздан файзу барака аримасин!  
Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, Яратганимиз ўз паноҳида сақласин!  
Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Болалар қувончи — бебаҳо

Янги йилни болалар орзиқиб кутади. Чунки бу байрам уларга олам-олам қувонч бахш этиши табиий. Пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида ўтказилган «Президент арчаси» тантаналарида Меҳрибонлик, Гўдақлар, Мурувват, Ойнавий болалар уйлари, Болалар шахарчалари, SOS болалар маҳалласи тарбияланувчилари ҳамда алоҳида ижтимоий муҳофазага муҳтож болалар, ватан озодлиги ва тинчлиги йўлида қурбон бўлган ҳарбийларнинг фарзандлари иштирок этишди.

(Давоми 2-бетда)

## Фаҳрия

Кўз очиб кўганим — сен,  
Уйим — сен,  
Кўргоним — сен.  
Не деб таъриф айлаин,  
Ҳам таним, ҳам  
жоним — сен!

Ўзига бек ўзбегим,  
Ер — узук, сен кўздегим,  
Тарихингдан сўз дегим  
Келса, шухрат-  
шоним — сен.

Хурлик бўлиб мақсудинг,  
Гоҳ қулиб, гоҳ ўқсидинг.  
Аждодларим кўксидан  
Силқитган қоним — сен.

Уйримнинг ҳар лаҳзаси,  
Ҳар нафас, ҳар лаъзаси,  
Шевримнинг сарлаҳаси,  
Дилдаги илҳомим — сен.

«Эл бўлиб, виқор-ла юр!» —  
Дилда даъват порлаюр.  
Мени ким деб чорлаюр,  
Аслида ўз номим — сен.

- 2 -

Қадди баланд, тикдирман,  
Шиддатим зўр, теҳ  
турмам.  
Ўзбекингман, бекдирман,  
Бир буюк султоним — сен.

Турон элим, турк элим,  
Кийногга кўрк элим,  
Суянгани — эрк, элим,  
Кўҳна Туркистоним — сен.

Шиддатингда чақин бор,  
Кўёш қадар яқин бор! —  
Демокда-да ҳаққим бор,  
Бил, соҳибқироним — сен.

Ўтди қанча замонлар,  
Сандони йўқ қамонлар...  
Афросиёб томондан  
Йўл олган қарвоним — сен.

Тупроғи тилло ватан,  
Озодсан, илло ватан.  
Тобад гулла, ватан,  
Хур Ўзбекистоним — сен!  
Ориф ТўХТАШ

## Муҳаррир минбари

# Ассалому алайкум, муҳтарам муштарийлар!

Осмон узок. Биламизки, осмоннинг охирига етиб бўлмайди. Қўёшга асло яқинлашиб бўлмайди. Қуйдиради. Ой гарчи Ернинг йўлдоши бўлса-да, ҳозирча истасак ҳам биз бора оладиган жой эмас.

Лекин, чўққи... Чўққига етса, чиқса бўлади. Ўзбекистон алпинистлари 1998 йили дунёнинг осмонлар чўққиси — Эверестни забт этиб, унга Ўзбекистон байроғини қадашганидан сўнг Ер шарининг энг баланд нуқтаси тўғри маънода ҳам, рамзий нуқтада ҳам биз кўзлаган маъво бўлиб қолди.

Мен мустақилликнинг илк йилларидаёқ юртбошимиз томонидан илгари сурилган келажаги буюк Ўзбекистонни барпо этиш ҳақидаги гоёяни

мақсадларимизнинг Эверестига ўхшатаман.

Албатта, юксак чўққига чиқиш учун ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўрилган алпинист янглиғ Ўзбекистонда ҳам олий мақсадлар йўлида қатъий ва изчил кураш олиб борилмоқда.

Мустақилликнинг илк даврларида собиқ совет тузумидан қолган қашшоқлик ва тақчилликка барҳам беришга, вайрон бўлган ишлаб чиқаришни аҳолининг кенг қатламларини қийнаб қўймасдан босқичма-босқич бозор иқтисодиёти релсига солиб юборишга катта куч сарфланди.

Биз мустақилликка қон тўқмасдан эришдик. Бирок, уни сақлаб қолиш учун қон тўқшига, қурбонлар беришга ҳам тўғри келди. Айниқса,

онгу шууримизни мутелик ва коммунистча тобелик иллатларидан тозалаб, тарихийлик, миллийлик ва дунёвийлик қадриятларига асосланган ҳамда маънавиятимизнинг ўқ илдизи бўлган фикр ва тафаккур эркинлигига эришиш Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросидан катта фидойиллини талаб қилар эди. Бало-қазолардан худонинг ўзи асради. Ўзимизга хос ва мос ўзбек модели асосчиси томонидан халқимиз ва юртимиз учун энг мақбул тараққиёт йўли танлаб олинган эди. Бугун овоз ва обод ватанда яшага муносиб, буюк келажагимиз ворислари бўлган баркамол авлод майдонга чиқмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНING ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови 2009 йил 27 декабрда бўлиб ўтди. «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тўла мувофиқ равишда очик ва ошкоралик шароитида ўтган сайловда 15 миллион 108 мингдан ортиқ ёки рўйхатга киритилган сайловчиларнинг 87,8 фоизи қатнашди.

Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш ҳақидаги баённомаларини кўриб чиқиб, 39 та сайлов округи бўйича депутатлар номзодлардан биронтаси ҳам сайлашни учун зарур бўлган овозларни тўплай олмаганлигини аниқлади.

Округ сайлов комиссияларининг тегишли қарорларини кўриб чиқиб, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 45-моддаси, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 5-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 39 та сайлов округида 1-иловага мувофиқ такрорий овоз бериш 2010 йил 10 январь - яқшанба кунини ўтказилсин.

Белгилаб қўйилсинки: «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунининг 45-моддаси биринчи қисмига мувофиқ такрорий овоз бериш сайлов округи бўйича энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича ўтказилади; такрорий овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун ташкил этилган сайлов участкаларида илгари тузилган сайловчиларнинг рўйхатлари асосида ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига мувофиқ ўтказилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича айрим сайлов округларида такрорий овоз беришга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан тадбирлар дастури тасдиқлансин.

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи тегишли округ ва участка сайлов комиссиялари такрорий овоз бериш учун ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»-ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўтказишни таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича такрорий овоз бериш учун бюллетенлар нашр этиш ва жойларга етказиб бериш билан боғлиқ ишлар Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида доир сайлов бюллетени ва сайлов арақаси намуналарини тасдиқлаш тўғрисида»-ги 439-сон қароридан белгиланган тартибда амалга оширилсин.

5. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ Тошкент шаҳри, 2009 йил 30 декабр

Муҳаррир минбари

Ассалому алайкум, муҳтарам муштарийлар!

(Боши 1-бетда)

Юртбошимиз томонидан йилларга алоҳида ном берилишни навабти билан маржондек бир инга терсак, баркамол авлод мустақам пойдеворга эга бўлган кураш майдонига кириб келаётганини аён кўрамиз:

- 1997 йил - Иккинчи мафозатлари йили;
1998 йил - Ойла йили;
1999 йил - Айлар йили;
2000 йил - Соғлом авлод йили;
2001 йил - Оналар ва болалар йили;
2002 йил - Қариларни қадрлаш йили;
2003 йил - Махалла йили;
2004 йил - Меҳр ва муруват йили;
2005 йил - Сикат-саломатлик йили;
2006 йил - Хонимлар ва шифоқорлар йили;
2007 йил - Иккинчи ҳимоя йили;
2008 йил - Ёшлар йили;
2009 йил - Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили.

Алло томонидан муқаррам этилган ва табиатнинг гултоғига айланган инсонни улуглаб, у камол топадиган оилани мустақамлаб, ҳаётимиз беэга ҳисобланган айёни авайлаб, соғлом авлодни тарбиялайдиган оналар ва болалар ардоғи билан сўғорилган барча хайрли ишларимизга бош-қош бўлиб турган қарияларимизни қадрлашга қаратилган барча ҳаракат аъмолимизда ўзбекна бағрикенглик мўжассам эди. Бунинг мантқиқий давоми бўлган маҳаллани обод қилиш, меҳр-муруват эшикларини очиб қўйиш, саломатлик посбонларига ғам-хўрлик, хонимлар кўмағига соғлиқни сақлаш тизимини дунё ўлчамлари даражасига кўтариш, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя билан кенгроқ қамраб олиб, ёшлардаги бунёдкорлик, ғайрат-шижоат туйғуларини билан аҳолимизнинг катта қисми яшайдиган қишлоқларимизга тараққиёт ва фаровонлик шабадаларини олиб бериш йўлидаги эзгу ишларимиз обод ватан, абадий овоз Ўзбекистон учун жуда катта донлар босиб ўтилганини кўрсатади.

Манав бугун мамлакатни модернизациялашни янги поғонага кўтариш, Ўзбекистонимизнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришни янги тарихимиз саҳнасига чиқиб келаётган баркамол авлод елкасига олмақда. Давлатимиз, халқимиз бу авлоднинг биздан-да КУЧЛИ, БИЛИМЛИ, ДОНО ВА АЛ-БАТТА БАХТЛИ бўлиши учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари жамоаси ҳам ўз аъёнларига содиқ қолиб, 2010 йилнинг устувор вазифаларини амалга оширишда юртдошларимизга қамарбаста бўлиб яшайди ва ишлайди.

Муассисимиз — Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ҳукуматимизнинг Баркамол авлод йилидаги ижтимоий-иқтисодий сивасатини қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Айни пайтда 2010 йилда барча поғоналарда қасаба уюшма етакчиларининг сайловини ўтказишга қизғин тайёргарлик кўрилмақда. Бу ўз навбатида, тахриратимизнинг 2010 йилги иш режасида ҳам акс этган.

Хар доимгидек газетхошларга янада яқинроқ бўлиш, уларнинг қўлидаги ва тилидаги сўзларни газета саҳифаларига олиб чиқиш, бунёдкор замондошларимиз, айниқса, ёшларимизнинг фидойиликлари ҳақида ҳикоя қилувчи янги руҳлар очилиши мўлжалланган.

Ўрни келганда газетамизни қўллаб-қувватлаган, шoir айтганидек, ҳурмат қилиб,

унинг обунасида фидойилик кўрсатган барча ташкилотчиларга, жумладан, Фарғона вилоят қасаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига, Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари қасаба уюшмаси Қашқадарё вилояти вакилликка, Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгашига, Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмасининг Самарқанд вилоят кенгашига самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

«Ishonch» янги йилда ҳам хонадонингизга ўқилиши ва ишончли газета бўлиб кириб бораверади.

Қишга ўхшамаган январ билан Алишер, Бобурбек, Анвари билан Сизни қутлағайми, момақаймоғим, Оғажон, ҳўражон, уруг-аймоғим. Омад кучоқ осин, кўнгилар тўлсин, Дўстларим, янги йил муборак бўлсин!

Энажон, опагон, амма-холалар, Юртим гўзаллари — дилбар лолалар, Фарзандлар улгайтинг — тахтли-давлатли — Алпомиш келбатли, Барчин талъатли, Уйингиз, кўнглингиз аллага тўлсин, Янги йил сизларга муборак бўлсин!

Тарих саҳнасига дадил қўйиб от Бугун йўлга чиққан баркамол авлод! Билимли, доно бўл, Рустам келбатли, Юртбошим айтгандай шайсан бахтли. Йўлинг раво бўлсин, толеинг қулсин, Янги йил сенга ҳам муборак бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил 30 декабрдаги қарорига 1-илова

Table with 3 columns listing election districts and their corresponding regions: Корақалпоғистон Республикаси, Андижон вилояти, Бухоро вилояти, Жиззах вилояти, Навоий вилояти, Наманган вилояти, Самарқанд вилояти, Сирдарё вилояти, Сурхондарё вилояти, Тошкент вилояти, Фарғона вилояти, 99-Фарғона сайлов округи, 101-Тошлоқ сайлов округи, 102-Қува сайлов округи, 103-Бувайда сайлов округи, Хоразм вилояти, Қашқадарё вилояти, Тошкент шаҳри, 125-Дархон сайлов округи, 129-Дўмбиробод сайлов округи, 131-Астробод сайлов округи, 134-Қўйлиқ сайлов округи.

Болалар қувонғи — Бебаҳо

(Боши 1-бетда)

Тадбир Халқ таълими вазирлиги ва «Сен ёлғиз эмассан» республика болалар жамоатчилиги жағғармаси ҳамкорлигида ташкил этилди. — Янги йил ҳар бир инсон кўнгида янги умид ва орсулар уйғотади. — дейди Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Умид Эгамбердиев. — Бу байрамни болалар иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Улар соғва олишни яхши кўришади, меҳрга, эътиборга муҳтож бўлади. Шу маънода Президентимизнинг 14 хил ўқув қуроллари ва 16 хил ширинликдан иборат 11 минг дона совғаси мурғак қалбларни тўқилантириб юборгани шубҳасиз. Атрофда қулғу янграйди. Болаларнинг Қорбобо, Қорқиз ҳамда сеvimли эртақ қаҳрамонлари билан юзма-юз келган ҳолатларини сўз билан ифодалаш қийин. — Етим-есирларнинг бошини силаш халқимизнинг азалий қадриятларидан, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Самандар Хамроқулов. — Эрталабдан келиб, болаларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилишимизга асосий сабаб ҳам шу. «Томоша» болалар гуруҳининг томошалари ҳам тадбирга ўзгача файз киритди.



Шерзод АБДУСАМАДОВ, «Ishonch» муҳбири Иқром ХАСАНОВ олган суратлар

Азиз юртдошлар!

Мамлакатимиз тараққиёти, ҳаётимизнинг барча йўналишларида ислохотларни чуқурлаштириш, жамятимизни янги, янада юксак поғоналарга кўтариш, иқтисодийтаъминнинг барқарор суръатларини таъминлаш ва халқимиз фаровонлигини ошириш йўлида жонбозлик кўрсатаётган, йил сайин мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришаётган ва бу билан буюк аждодларимиз орзу қилган чинакам демократик жамятти барпо этиш учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган меҳнат аҳлига самимий тилақларимизни билдирамиз.



Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган даврни таҳлил қилар эканмиз, бутун эътибор, авваламбор, халқ фаровонлиги ва келажақ авлоднинг ҳақиқий ватанпарвар, юксак билимлар соҳиби, бир сўз билан айтганда, ҳеч кимдан кам бўлмаган ва аждодлар қолдирган меросни янада бойитиш учун хизмат қиладиган ёшларни воёга етказишга қаратилганга гувоҳ бўламиз.

Ислохотларни чуқурлаштиришда қасаба уюшмаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. 2010 йилда юксак вазифаларни амалга оширишда ушбу ташкилот аъзоларининг ғайрат-шижоати ҳар қачонгидан-да улғурроқ бўлади. Бу эса асосий мақсадимиз ҳисобланган ижтимоий ҳимояга ҳар томонлама кўпроқ эътибор қаратишимизга хизмат қилади.

Кириб келган йил қасаба уюшмаларида ҳисобот сайловлар йили сифатида ҳам катта аҳамиятга моликдир. Уйлаймизки, ҳисобот сайловлар ташкилотга янада чуқур билимга эга бўлган жонкуяр етакчиларни танлаб олиш, айни вақтда қасаба уюшма афзаллигини асослаш учун ўзига хос пойдевор бўлади.

Кириб келган йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланишида ҳам теран маъно бор. Ишончимиз комилки, Навоий, Беруний, Фарғоний, Хоразмий, ибн Сино каби буюк алломалар учун бешик бўлган юртда яна қўллаб-соғиби илмлар, дунё аҳлини хайратга соладиган улуклар етишиб чиқади. Барча тармоқ қасаба уюшма Марказий кенгашлари ўқиш ва жамоат ишларида ибрат бўлаётган талабаларга махсус стипендия таъсис этганлиги ҳам бежиз эмас.

Азиз дўстлар! Мана ушбу файзли дамларда, табиийки, ҳаёлимиздан ўтган йилги орзу-умидларимиз ижобати, яна нималардир поёнига етмай қолгани ҳақидаги ўйлар ўтади. Шунинг учун ҳам кириб келаётган ҳар янги йилда ушалмаган орзуларга эришишни ният қиламиз. Зеро, ният эзгуликнинг ибтидоси деб бежиз айтилмаган. Бинобарин, 2010 йилдан умидимиз катта. Келаётган йил ҳар қачонгидан файзли ва омадли бўлсин. Дилига фақат эзгу орзуларни жо қилган халқимизга Янги йил қулғу келсин. Юртимизнинг нуфузи янада юксаларсин.

Янги йилнингиз муборак бўлсин!

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсати

Янги йилдан мўъжиза қутамиз ҳар доим. Бир лаҳза бўлса-да ўзимизни ёшлиқда эшитганларимиз сехрли эртақларнинг оламидадек ҳис қиламиз. Таниш-нотанишлар бир-бирига қувонч улашишдан тортинмайди, уялмайди. Хаммининг кўнгидаги қувонч юз-кўзларда зоҳир бўладиган байрам бу. Болалиқни эслатгани, болаликка қайтаргани учун яхши кўрармиз, балки. Ёки ҳамма бирдек қувонгани, бегоналарни-да яқинлаштиргани учундир. Билмадим.

Кўнгилар боғланганда...

Декабрнинг ўрталаридаёқ тарадуд бошланиб кетади. Умримизнинг бир йили тугаётгани ўқинчини янғисининг қувончи босиб кетади. «Байрамлар ба-рибир яхши-да», — дейсиз беихтиёр. Айниқса, Янги йил. Ахир қурраи замин бирликда нишонлайдиган яна қандай тантана бор. Шу кун Одам фарзанд-лари бир тилак, бир қувонч остида қайта бирлашадилар. Дунёнинг қайси бурчида бўлмасин «Янги йилингиз қулғу бўлсин!» деган сўзлар билан бошланади суҳбатлар. Бу гапни муслмон ҳам, насроний ҳам, буддавий ҳам бир хил самимийлик билан айта олади.

«Диннинг нима алоқаси бор бу гапларга?», — дерсиз. Мен ҳам шу ҳақда сиз билан фикрлашмоқчи эдим. Деярли ҳар йили дўстларимни байрам билан қутлаб, интернет орқали табрикномалар жўнатаман. Дийдорлашнинг имкони бўлмаганда, бу ҳам эътиборнинг, ҳурматнинг бир ифодаси. Қулғуларнинг бирига узокроқда яшайдиган дўстимдан «жавоб» олдим. Бу жавоб ҳар бир кишини ажаблантириши табиий. У билан мунозарамни газета орқали эълон қилиш ниятим йўқ эди. Бирок... Атрофда у каби фикрлаётганлар пайдо бўлаётгани учун бунч зарур деб ўйладим.

Мен билган кишилар, атрофимиздагилар, атрофингиздагилар, хуллас, кўпчилик байрам баҳона ота-онасини зиёрат қилади, ака-ука, опа-сингилларига тўхфалар улашади. Бу ўринда ҳеч қандай эътибор, «номусулмончилик» кўрмайман. Узингиз ҳам яқин-яқингача шу ишларни хурсандчилик билан бажардингиз. «Ота-онанинг дуосини олдим», — деб қанча қувондингиз. «Аллоҳнинг ҳар қуни муқаддас», — дердингиз. «Шайтон суви»ни симирганча, беҳаёликларга йил очадиганлар байрамим», — дея таъриф келтирасиз. Бу фикрингизга ҳам эътироз бор. Чегарадан чиқувчи, одамийлик қиёфасини йўқотадиганлар учун байрам бир баҳона. Шуну рўқча қилиб, байрамни таъқиқлаш жоизми-кан?

«Диннинг нима алоқаси бор бу гапларга?», — дерсиз. Мен ҳам шу ҳақда сиз билан фикрлашмоқчи эдим. Деярли ҳар йили дўстларимни байрам билан қутлаб, интернет орқали табрикномалар жўнатаман. Дийдорлашнинг имкони бўлмаганда, бу ҳам эътиборнинг, ҳурматнинг бир ифодаси. Қулғуларнинг бирига узокроқда яшайдиган дўстимдан «жавоб» олдим. Бу жавоб ҳар бир кишини ажаблантириши табиий. У билан мунозарамни газета орқали эълон қилиш ниятим йўқ эди. Бирок... Атрофда у каби фикрлаётганлар пайдо бўлаётгани учун бунч зарур деб ўйладим.

«Диннинг нима алоқаси бор бу гапларга?», — дерсиз. Мен ҳам шу ҳақда сиз билан фикрлашмоқчи эдим. Деярли ҳар йили дўстларимни байрам билан қутлаб, интернет орқали табрикномалар жўнатаман. Дийдорлашнинг имкони бўлмаганда, бу ҳам эътиборнинг, ҳурматнинг бир ифодаси. Қулғуларнинг бирига узокроқда яшайдиган дўстимдан «жавоб» олдим. Бу жавоб ҳар бир кишини ажаблантириши табиий. У билан мунозарамни газета орқали эълон қилиш ниятим йўқ эди. Бирок... Атрофда у каби фикрлаётганлар пайдо бўлаётгани учун бунч зарур деб ўйладим.

«Нега Наврўзни шунчалик тантана қилишмайди-ю, кимлардир тиқширган байрамни ўзлариникидек қабул қилишадими?», — дейсиз. Яхши амаллар кимники эканлиги билан эмас, қанчалик қувонч ва наф келтирётганлиги билан ўлчанади. Наврўзни ҳам оташрастликдан қолган иллат эмас, халқимизнинг эзгу орзу-уйлари билан туташ байрам сифатида қадрлаймиз, нишонлаймиз-ку.


«Кўнгидаги қулғулар байрам (ишланмайдиган) қулғуларидир: 1 январь — Янги йил...» Мехнат кодексининг 131-моддасидан.

«Кўнгидаги қулғулар байрам (ишланмайдиган) қулғуларидир: 1 январь — Янги йил...» Мехнат кодексининг 131-моддасидан.

«Ичиб-чекиб, шовқин-сурон қилиб, туни билан бировларнинг тинчини бузадиганлар учун баҳона холос... Асладан узоқлаштиради... Яратган улуг қилган кунларда шу қадар қувонимайди...» Бу гапларингизнинг ҳар бирига жавоб қайтариб, менимча, шарт эмас. Уларнинг ҳақиқатга қай даражада мувофиқлигини яна бир ўйлаб кўринг, ҳақ жавобни ўзингиз топасиз. Яхши кунларда кўришиш насиб этишини тилаб

ДўСТИНГИЗ.

# Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Марказий кенгаши



Ўзбекистон халқини кириб келаятган  
Янги — 2010 йил билан самимий муборақбод этади!

Эзгу ниятлар ва қувончу шодликлар ила эшик  
қоқаятган Баркамол авлод йили барча  
юртдошларимизга олам-олам қувонч, янги  
зафарлар олиб келсин!

Диёримизда яшаётган ҳар бир оиллага бахт ва  
саодат, сихат-саломатлик, хонадонларингизга файзу  
барака ва хотиржамлик тилаймиз!

Янги йил барча юртдошларимиз учун  
янги омадлар йили бўлсин!

ИПОТЕКА БАНК

Ҳурматли юртдошлар!

Ипотека — Банк  
Сизни Янги 2010 йил  
билан табриқлайди.  
Янги йил бахт, омад,  
қувонч келтирсин.  
Сизга мустаҳкам соғлиқ, тинчлик,  
хотиржамлик тилаймиз.

www.ipotekabank.uz

Ўзбекистон ёқилғи-энергетика  
комплекси, кимё саноати ва  
геология ходимлари касаба  
уюшмаси Марказий  
кенгашининг Андижон  
вилояти вакилиги



Соҳа ходимлари ва барча  
юртдошларимизни  
Янги — 2010 йил билан  
самимий қутлайди.  
Қун сўйин ривож топиб,  
гуллаб-яшнаётган  
мамлакатимиз истиқболи  
йўлида меҳнат қилётган  
тармоқ ходимларига ҳамisha  
бахт ва омад ёр бўлсин!


Мусохаба

«Хамиша эзгуликка шошиламман...»

Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театри актёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Боир Холмирзаев билан суҳбат

— Одатда, эски йилни кузатиб, янги йил билан юзлашганда киши ғалати кайфиятга тушади. Утган йилда қилинган ишлар сарҳисоби ва янги режалар оралиғида қолади: қандай юмушларга улгурдиги-у, қай бир орзумиз ушалмай қолди? Уз-ўзига ҳисоб бериш яхши фазилат. Аммо муҳими, орау-ниятимизнинг борлиги, бардавонлиғидир. Яхши ниятларимиз хамиша бизга куч-қувват бериб, эзгуликка ундаб туради.

Утган йил нафақат мен, балки қадрдон жамоам, барча санъат ахли, қолаверса, халқимиз учун ҳам омадли ва яхши йил бўлди десам, муболага бўлмайди. Давлат дастури баҳона энг чекка кишлоқларимиз ҳам фаровонлик ва тараққиёт сари юз бурди. Санъаткорларимиз нуфузли халқаро танловларда шоҳсупага кўтарилди. Жумладан, халқимиз севиб томоша қилган «Чавандоз» фильми (режиссёр Хамидулла Ҳасанов, сценарий муаллифи Фафур Шермуҳаммад)



2009 йил июлда Тошкентда ўтказилган «Спорт киноси ва телевидениеси» халқаро кинофестивалида «Энг яхши бадий фильм» номинацияси бўйича бош совринни қўлга киритди. Ушунда бу фильм Италияда ўтадиган халқаро кинофестивалнинг танлов дастурига саралаб олинган эди. 2 ноябрда Миландаги Сала-Донзелли кинотеатрида намойиш этилган «Чавандоз» нафақат италяндлар, балки дунёнинг 102 та мамлакатидан келган киношодкорлар орасида ҳам машҳур бўлди ва энг яхши фильм учун таъсис этган «Ифтихор ва ғурур» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Театримиз жамоаси учун ҳам ўтган йил жуда сермахсул келди, кўплаб спектакллар сахналаштирилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

«Оловуддиннинг саргузаштлари», «Қизи борнинг ноzi бор», «Ой онам — қайнонам» каби спектакллар шулар жумласидандир. Президентимизнинг фармони билан театримизнинг сеvimли актёри Меҳри Бекчоновага «Ўзбекистон халқ артисти» унвони берилди. Хукуматимизнинг бу эътирофи

санъат ахли, қолаверса, жамоамизга билдирилган катта эътибор нишонаси сифатида бизни янада рўлангириб юборди. Санъаткор ўз номи билан ижодкор! Санъаткор ишига қизиқса, унинг аҳамиятини ҳис этса, мавзу қандай бўлишидан қатъи назар, яхши асар ярата олади. Аммо изланишсиз, янгиликларга интилишсиз унинг фаолияти жозибасини йўқотди, ривожланишдан тўхтади. Бу ҳақиқатни хамиша фаолиятим мезони деб биламан. Мен учун 2009 йил омадли келди. Кўплаб фильмларда суратга тушди, дубляжда ҳам анча-мунча тажриба орттирдим. Доцент бўлдим. Шогирдларимнинг «Нодирабегим» диплом спектакли мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Олий ўқув юрти талабалари учун

ёзган дарслигим чоп этилди.

— Айни кунларда қандай ишлар билан бандсиз?

— Ҳар йилгидек бу йил ҳам байрамда халқимизнинг яхши дам олиши учун камарбастамиз. Театримиз жамоаси фарзандларимизнинг қишки таътили кўнглили ўтиши учун дастур ишлаб чиққан. Қўшиқ ва рақсларга бой спектаклларимиз кичкинтойларнинг кўнглини хушнуд этади деган умиддамиз.

— Янги йилдаги режаларингиз?

— Ниятларим залворли. Муҳими, юртимиз тинч, осмонимиз беғубор бўлсин! Соғ-омон бўлсам, ҳали икки-уч йилнинг ишини қилишга журъатим етади. Раҳматли энам хамиша бир гапни айтарди: «Эзгуликка шошилинглар». Эрта тонгда институтга — шогирдларим ёнига шошиламман. Сўнг телевидениега дубляжга югураман. Ундан кейин театр. Уйга қайганимда иш столимда талабалар учун ёзаётган қўлланманинг қораламалари мени кўтиб туради. Яна бу орада кинодаги қахрамоним «ҳаёти»га ҳам кириб чиқшим керак. Барига улгуршим шарт. Энди ўйлаб кўринг, мендек оддий бир актёр бу ишларни бажариш учун қувватни қаердан олади?! Бу кўнчинг манбаи қалбимдаги ватанга, халқимизга бўлган муҳаббатдир. Чунки муҳаббат ёғдулари билан йўғрилган юраккина мўъжизалар яратишга қодир.

Янги йилда ниятим: Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида қадди-бастини тиклаб бораркан, унинг тарихи ва бугунги ҳақида фикр юритиб, келажак ҳақида тасаввур ҳосил қиладиган фильм қахрамони образини яратиши.

«Ishonch» мухбири Амина ҚОДИРОВА суҳбатлашди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси Марказий кенгаши раиси Озодахон Муҳитдиновага

Озодасиз — фаришталар парвоноси — Ҳақимларнинг ҳам опаси, ҳам онаси. «Ishonch» Сизнинг ишончингиз овламоқчи Янги йилда келиб қолса бир хонаси



Таълим ва фан ходимлари касабаси Марказий кенгаши раиси Носирхон Акбаровга

Таълим десак, урфон ахли қарашгайдур, Илм билан сунбул сочин тарашгайдур. Янги йилда белни маҳкам боғланг, ога — Номзодларга докторлик ҳам ярашгайдур.

Фарғона вилояти мухбири Улуғбек Ибодиновга

Уйланибсиз бўйдоқликдан қутулай деб, Чалғитибди бахтиёрлик сизни чоғи. Иккун ҳам унутманг-да, жаноб хамкасб Ерда қолмас журналистиягиз бўя белбоғи.



Шифокор Тохир Иброҳимовга

Қоралайди қўша-қўша мақолани Тиббиётнинг сирларини улашмоқ-чун. Пеш қилмасдан ҳеч қандайни баҳонани Ўзаверар-ёзаверар тинмай ҳар кун.

Актёр ва режиссёр Мурод Ражабовга

Демагаймиз сор айлиниб гоз бўлсин, Қиш қишлигин қилсин, ёз-чи ёз бўлсин. Куй-қўшиқдай сериаллар ҳам кўпайди, Фильмлар-да «оз бўлсин» — саз бўлсин!



«Ishonch»ли табассум

Истеъдод

Маълумки, тасвирий санъатга қизиқиш ва у билан шугулланиш ёшлар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Чунки бу санъат орқали ёш авлодга нафосат ҳис-туйғулари, гўзалликка бўлган муносабат шакллантирилади. Бугун расом бўлиш иштиёқида қўлга мўйқалам олиб астойдил машқ қилаётган умидли ёшларни кўп учратамиз. Уларнинг энг иқтидорлилари эса ўз сай-ҳаракатлари, интилишлари билан мусаввирлик таълимини берувчи махсус урта ҳамда олий таълим ўқув юртиларида ўқиб, маҳоратларини ошириб боришмоқда.

Орзулари бир олам

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети санъат факултетининг тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси йўналишида ҳам ана шундай иқтидорли ёшлар жуда кўп. Улар назарий ва амалий ўқув дарслирида ҳамда мустақил ишлаш машғулотлари жараёнида тажрибали, юқори малакали профессор-ўқитувчилардан тасвирий санъат сирларини

ҳар томонлама пухта ўрганишмоқда. Талабалар орасида қобилияти, одоби билан алоҳида ажралиб турувчи 3-курс талабаси Жаҳонгир Холқов ўзининг ажойиб, рангдор тасвирий ишлари билан тенгдошларига урناк бўлмоқда. У турли жанрлардаги мўъжаз асарлар яратиб, факултетда ўтказиладиган кўрик-танловларда совриндор бўлмоқда. Самарқанднинг олис Қўшарбот туманида туғилиб ўсган Жаҳонгир Тошкент алоқа ва ахборот технологиялари университети қошидаги Мирзо Улуғбек номидаги академик лицейда, аниқ фанлар йўналишида ўқиди. 2007 йилдан буён ТДПУда грант асосида сабоқ олмоқда. — Тасвирий санъатга қизиқишимга ажойиб рассом Зокиржон Гулме-

товнинг хизмати катта. Бу фидойи инсоннинг қимматли маслаҳатлари орзуларимга қанот бўлган, — дейди Жаҳонгир. — Олий ўқув юртида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи, профессор Гофур Абдурахмоновдан санъатнинг ўзига хос сир-синоатларини ўргандим. Факултетимиз ижодкор ўқитувчилари ҳам яқиндан ёрдам бериб келишмоқда. Иқтидорли талаба ишлаган ранг-тасвир ҳамда қаламчиҳанларни кўзатар эканмиз, улардаги гўзаллик, нафосат қалбимизга шуқуқ ва илиқлик бағишлайди. Айниқса, унинг «Қузги кишлоқ манзараси», «Хивадаги тарихий ёдгорлик», «Офтобдаги уй», «Сардорнинг юрети», «Мусаввир», «Чойгумли натюрморт», «Кўзали нат-



юрморт» каби асарлари эътиборга сазовор. Улардаги ранглар уйғунлиги, тасвир аниқлиги кишига завқ беради...

Жаҳонгирнинг келажакдаги орзулари бисёр. У бакалавриятни битиргач, магистратурада ҳам сабоқ олиб, баркамол авлодни тарбияловчи етук мутахассис рассом-педагог бўлиш ниятида. Биз эса, ўз навбатида, унга: «Иқтидоринг бор экан, албатта, кўзлаган эзгу ниятигага етасан. Чунки, мустақил она юртимизда истеъдодли ёшлар ўз қобилиятларини намойиш этиши учун зарур шарт-шароитлар яратилган», — деймиз.

Баҳром ТОЖИЕВ, Насиба ИСАҲОЖИЕВА

Янги йилни қим қандай кўтиб олади?

Кубаликлар йилнинг омадли келишини сувга боғлашаркан. Шу боис янги йил арафасида идишларни сувга тўлдириб, сўнг уларни тўкиб ташлашаркан. Идишлардан сув тўкилиши билан барча «Янги йил омадли келсин» деб ният қилади.


Янги йил арафасида Ирландияда хонадон эшикларини лағ оғиб қўйилади. Хатто нота-ниш йўловчи ҳам хоҳлаган хонадонга кириб меҳмон бўлиши мумкин. Кимнинг уйига шундай қаққирлаган меҳмон келса, янги йил шу хонадонга кут-баракка олиб келади, деб ҳисоблашади.

Италияликлар учун янги йилда биринчи бўлиб учратган киши муҳим аҳамиятга эга. Агар у руҳоний бўлса — ёмонлик аломати. Болакайларни кўриш — умид рамзи. Биринчи учраган гўзал қиз бўлса, буни ҳақиқий омад деса бўлади. Ҳаммадан ҳам омадлиси — букри одамга дуч келиши. Бу янги йилда катта бойликка эга бўлишдан далолат беради.

Руминлар янги йил дастурхонини учун пиширилган «чебурашк»дан омад излашади. Гап шундаки, айлар янги йил кунини тайёрлаган махсус «чебурашк» ичига танга, узук, конфет солишади. Кимнинг «чебурашк»сидан танга чиқса, янги йилда катта бойликка эга бўлади. Узук чиқса — бахтга эришади, конфет эса ширин ҳаёт нишонасидир.

Греклар янги йил кунини келганда, бир-бирини қутлагани боришади. Мезон эшикни очиб билан меҳмон қўлидаги тошни ичкарига думалатади. «Янги йилда боллигингиз шу тошдай оғир бўлсин», — деб тилак билдиради. Бундан ҳар бир грекнинг боши осмонга етади.

Чайнкроессворд



1. Шарқона мучал ҳисоби бўйича бошланаётган йил. 2. Вақт ўлчови бирлиги. 3. Ҳаётда қарор топган удум, урф-одатлар мажмуи. 4. Янги йилда безатиладиган дархат. 5. Шамсия йили ҳисобидида бешинчи, халқ ибораси билан экинлар ясатиладиган ой. 6. Ҳафта кун. 7. Кузатиладиган йилда юзага келганлигининг 2010 йиллиги нишонланган, мустақиллик йилларида экранлаштирилган халқимизнинг машҳур қахрамонлик достони. 8. Дунёнинг янги йил бошланадиган, кўнчар томони. 9. Янги йил даракчиси. 10. Бошланаётган йилда таваллудига бир юз беш йил тўладиган атоқли ўзбек адиби, академик. 11. Минора шаклида бунёд этилган соат. 12. Яқунланган йилда 2200 йиллик санаси нишонланган шахар. 13. Куннинг мусофос пайти. 14. Манзарали ўсимликдан тайёрланадиган ичимлик. 15. Соат жаранги. 16. Дунё вақти деб қабул қилинган, Лондон яқинидан ўтувчи меридиан номи. 17. Мўғилистонда Қорбобо ўрнига янги йилдан хабар берувчи касб эгаси. 18. Кўёш галактикасидаги сайёралардан бири. 19. Янги йил баҳорий тенг кунликда нишонланадиган шарқона айём. 20. Бошланаётган йилда таваллудига 95 йил тўладиган Ўзбекистон халқ шоираси. 21. Янги йил биринчи бўлиб кўтиб олинадиган мамлакат. 22. Икхтиёр тарзда ўзганинг манфаатини қўлаб қўлинадиган иш, хайрли фаолият. 23. Янги йилда келгусида ёмғир кўпроқ ёғишини тилаб Будда хайкалини сув билан ювиш одати амал қиладиган жанубий шарқий Осиёдаги мамлакат. 24. Ҳайрон коллари, қизиқиш уйғотадиган ҳолат. 25. Тантанали, шодёна кун. 26. Воква-хондасалар ҳақида хабар етказувчи ижодкор. 27. Мусиқа жўрлиғида икром этиладиган санъат асари. 28. Осмон, коинот. 29. Дунё, борлик. 30. Байрам, сайилларда самодда гўмбирлаб кўрк берувчи. 31. Одатдагидан «узун» йил. 32. Чистон: Эшиксиз бир хона - ичиди ҳар он, Юзлари пардали гўзаллар пинҳон. Лазли лаблар учун муносиб лазллар, Кўрган дейди: «Қаранг ажойиб маржон!» 33. Ўзбекча куй. 34. Вақт карвони номига олган, йилнинг ой кунлари қайд этилган даврий жадвал. 35. Асосан кишики либосга ишлатиладиган жонивор териси. 36. Ватан посбони, харбий хизматчи. 37. Бошланаётган йилда таваллудига 1150 йил тўладиган мумтоз мутафаккир шоир, қуйдаги ҳикматли, мисралар муаллифи: «Жаҳоннинг шодлиги йилгиса бутун, Дўстлар дийдоридан бўлалмас устун»

Авалло, қуйда таърифланиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг Калит сўзлар: 1. Бошланаётган йилга берилган номдан: «8, 4, 6, 23, 4, 20, 9, 16, авлод йили» 2. Инсоннинг ўсмирлик, навқирон даври - 22, 11, 16, 5, 23. 3. Бошланаётган йилда таваллудига юз йил тўладиган атоқли ўзбек театр ва кино санъаткори — 8, 1, 6, 12, 9, 2, 9, 15.

Чистон муаммонома 15, 4, 10, 3, 4. 8. Инсон ҳаётидаги тантанали кун - 7, 13, 18. Энди калит сўзлари жавоблари асосида шакл атрофидида хоналарда берилган рақамларни мос харфлар билан алмаштириб, муаммоноmani ҳал этинг. Бунда улардан уч-тўрт мисра чистон ҳосил бўлади. Ана шу чистон жавобини топинг-чи. Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

Байрам ҳазиллари

Insonga naf keltirish... Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi Bosh muharriri: Abduxoliq Abdurazzoqov Tahrir hay'ati: Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV... Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63... Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy... Nashr ko'rsatkichi: 133... T.Sherneyev... A. Abdullayev... S.Shodiyeva... Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdullajilov... Tjorat materiallari... 1 2 3 4 5